Ушбу сонда:
2 ШАРТНОМА ИНТИЗОМИНИ БУЗГАНЛАР фаолиятига муносиб баҳо берилди
3 САЙЁРАМИЗ САДОСИ
4 ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 21 сентябр, шанба №152 (1369)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ОЛИЙ МАЖЛИС КОМИССИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Олий Мажлис Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур комиссия раиси Ш.Хўжаниёзова бошқарди.

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикасида халқ депутатларининг мақоми тўғрисида»ги Қонуннинг депутатнинг сайлов округидаги фаолиятига доир қисми Тошкент вилоятида қандай ижро этилаётгани ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Комиссия ишчи гуруҳи раҳбари, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси ўринбосари И.Ғафуров жойларда, жумладан Тошкент вилоятида ҳам, депутат фаолиятининг амалга оширилиши, уларга яратилган шарт-шароитларни ўрганиш бўйича текшириш, ахборот-таҳлил ишларининг натижалари хусусида ахборот берди. Бу борада қонунда белгиланган қоидалар тўла амалга оширилаётгани, депутатлар қонунлар муҳокамасига сайловчиларни жалб этаётгани, сайловчилар мурожаатлари бўйича маҳаллий ҳокимият идоралари, турли муассаса ва ташкилотлар билан ҳамкорликда сезиларли ишлар бажарилаётгани таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ГРАНТ-ШАРТНОМАЛАР ИМЗОЛАНДИ

Тошкентда Япония ҳукуматининг кичик хажмдаги лойиҳаларга беғараз ёрдам кўрсатиш дастури доирасида ажратилган навбатдаги грантлар бўйича шартномалар имзоланди.

Умумий қиймати 260 минг АҚШ долларидан ошувчи ушбу грантлар Сурхондарё вилоятидаги айрим мактабларни таъмирлаш, ўқув қуроллари ҳамда замонавий технологиялар билан таъминлашни назарда тутади. Эътиборли жиҳати шундаки, мактабларга келтириладиган янги мебел ва ўқув қуроллари Ўзбекистондаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган.

Грант-шартномаларни имзолаш маросимида иштирок этганлар Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, маданий-маърифий, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорлик кўлами кун сайин кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Шу кунларда мамлакатимизда зўр муваффақият билан ўтказилаётган Япония Маданият кунлари бу фикрнинг яққол далилидир.

Ҳужжатларга Японияннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Акио Кавато ҳамда грантга сазовор бўлган мактаблар вакиллари имзо чекди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Тошкент трактор заводи ташкил этилганига 60 йил тўлиши муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида

Республикамиз қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш, фан-техника ютуқлари ва замонавий технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишдаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходими»

Очилов Турсунпулот - металл буюмлар ишлаб чиқариш корхонасининг созловчиси

Сиренко Юрий Николаевич - ишлаб чиқариш бўйича директор

Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, саноат соҳасида ислоҳотларни амалга оширишдаги эришган ютуқлари ва кўп йиллик, фидокорона меҳнатлари ҳамда миллатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Гулямназарова Клара Акрамовна - тиркама ишлаб чиқариш корхонасининг термисти

Самаевский Геннадий Викторович - трансмиссия ишлаб чиқариш корхонасининг созловчиси

Шаймарданов Исмагил Исхакович - металл буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Инагамов Тахир Абдусаматович - 31-механика-йиғув корхонасининг чилангар-йиғувчиси

Лукина Нина Васильевна - 14-цехнинг етакчи муҳандиси

Суриков Сергей Анатольевич - тахтакачлаш-пайвандлаш корхонасининг созловчиси

Харах Петр Львович - техника масалалари бўйича директор

«Шуҳрат» медали билан

Акрамбаева Рахима - тахтакачлаш-пайвандлаш корхонасининг металл кесувчиси

Мальков Вячеслав Парфирьевич - асбобсозлик корхонасининг токар-чархловчиси

Тараскин Андрей Емельянович - кабина ишлаб чиқариш корхонасининг токари

Умаркулов Хушмурат - йиғув корхонасининг чилангари

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 19 сентябр

«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МЕҲНАТ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Сизларнинг барчангизни Тошкент трактор заводининг олтмиш йиллиги муносабати билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўзининг бой тарихи ва меҳнат анъаналари, юксак ишлаб чиқариш салоҳияти билан мамлакатимиз машинасозлигида етакчи ўрин тутадиган сизларнинг корхонангиз нафақат Марказий Осиё минтақаси, балки кўплаб хорижий мамлакатларда ҳам яхши маълум.

Айниқса, мустақиллик йилларида чет эллик шериклар билан ўрнатилган ҳамкорлик, янги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва илғор технологияларни дадил жорий этиш натижасида корхона цехларида самарадорлиги юқори, замонавий тракторлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани диққатга сазовордир.

Заводда деҳқон ва фермерлар учун кичик тракторлар ва бошқа техника воситалари ишлаб чиқарилаётгани уларнинг меҳнатини сезиларли даражада енгиллаштиради, деҳқончилик маданиятини юксалтириш ва одамларнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Бугунги кунда «Тошкент трактор заводи» тамғаси билан тайёрланаётган рақобатбардош маҳсулотларнинг жаҳон бозорида ўзига муносиб ўрин эгаллаётгани, шубҳасиз, корхона қаршисида янги истиқбол уфқларини очади.

Сизлар қўлга киритаётган юксак марралар мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар қандай самаралар бераётганининг яна бир намоёни, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтган йиллар давомида моҳир ишчи ва етук мутахассисларнинг бутун бир авлодини вояга етказган сизларнинг кўп миллатли жамоангиз ўз тақдирини шу даргоҳ билан боғлаган кўплаб ёшларимиз учун бугунги кунда ҳам ҳаёт мактаби бўлиб келаётганидан ҳаммамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Ишончим комилки, сизларнинг ғайрат-шижоатингиз, малака ва маҳоратингиз туфайли Тошкент трактор заводи Ватанимиз равнақи ва иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш йўлида бундан буён ҳам муносиб хизмат қилади.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Доимо омон бўлинг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Истиқлол берган имкон

«ОФИС МАРКЕТ» жаҳон бозорига чиқади

Хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида ҳукуматимиз томонидан қатор қарорлар қабул қилинган. Ана шу қарорларни ҳаётга татбиқ этиб, катта ютуқларни қўлга киритаётган тадбиркорлар ўзлари эришаётган муваффақиятлар ҳақида ғурур билан гапиришади.

— 1998 йилда техника олийгоҳини тугатгач, укам Ҳусан билан отам ёрдамида фаолият бошладик. Дастлаб уйда ўзимиз ишлаган маҳсулотларимизни дўконларга топшириб кўрдик. Кейинчалик Ўрикзор даҳасидан бино ижарага олиб, ишимизни давом эттирдик, - дейди «Офис Маркет» раҳбари Хасан Мамасаидов. — Излаган имкон топар, деганларидек, йилдан-йилга корхонамиз ривожланиб, ҳозирги кунда маҳсулот тури 5 мингдан ортиб кетди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда ҳамкорлар тажрибаси катта ёрдам беришини ўз фаолиятимизда кўрдик. Айниқса, чет эл ишбилармонлари тажрибаси асқотяпти.

Ака-ука Малайзия, Туркияда бўлиб у ердаги тадбиркорлар фаолияти билан танишиб қайтдик. Малайзияликлар билан 3 йил ҳамкорликда иш олиб бордик. Шунингдек, Америкада таҳсил олиб қайтган дўстимизнинг маҳсулотлар харидоргирлигини ошириш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклиги тўғрисидаги маслаҳатларига амал қилиб, «Офис Маркет» савдо белгисини олдик. Мутахассислар фикрига кўра, савдо белгисининг чиройли ва мазмунан маъноли бўлиши ҳам маҳсулотга бўлган талабни оширар экан.

Дастлабки маҳсулотларимиз икки-учтагина дўконларда сотувга чиқарилган бўлса, ҳозирда республикамиздаги деярли барча дўкону бозорларда 30 дан зиёд бўлимларимиз бор. Омадни қарангки, 12-17 май кунлари Вашингтонда бўлиб ўтган Ўзбекистон-Америка савдо анжуманига бизни ҳам таклиф қилишди. Бугунги кунда Япония ва Америкадан келган конгрессменларнинг маҳсулотларимизга катта эътибор билан қараб, ишонч билдираётганлари ҳам қувонарли ҳол.

— Мен баъзида тадбиркорларнинг ишлари юришмасдан, қийналаётганликларини эшитиб ҳайрон бўламан. Сабаби, биз ҳам банкдан 1 миллион 800 минг сўм кредит олиб фаолиятимизни бошлаганмиз. Ҳатто бир неча бор ишимизни тўхтатиб қўймоқчи ҳам бўлдик. Ана шундай дамларда отам далда бериб руҳимизни кўтариб насиҳат қилардилар ва заҳмат чекмай мақсадга эришиб бўлмаслигини тушунтирардилар. Ҳа, ҳар қандай ишнинг бошланишида қийинчилик бўлади. Фақат қўрқмаслик, дадил ҳаракат қилиш керак. Омаднинг ўзи изингиздан келаверади. Ўзимиздан қиёс: 1 миллион 800 минг сўм билан бошланган тадбиркорлигимиздан келаётган фойда бугунги кунда ойига 100 миллионгача етмоқда. Биз кўпроқ дафтарлар, банк ва офислар учун ручкалар, блокнотлар, иш қоғозлари, табрикномалар, таклифномалар каби канцелярия маҳсулотлари билан савдо қиламиз. Дастлаб 5 киши билан иш бошлаган бўлсак, айни кунларда 120 нафар ишчимиз бор. Маҳсулотларимиз сифати билан ажралиб туради. Кундан-кунга харидорларимизнинг кўпаяётганлиги бунинг далилидир. Бундан ташқари, болалар уйлари, ногиронлар жамияти, қариялар уйларига баҳоли-қудрат ёрдам бериб келяпмиз. Ҳали режаларимиз кўп. Ниятимиз маҳсулотлар сифатини янада яхшилаб ва турини кўпайтириб, жаҳон бозорига чиқиш.

Роза САЙДАҲМЕДОВА,
«Ишонч» мухбири.

Қамаши тумани марказига кириб боришингиз билан нигоҳингиз беихтиёр шинамгина қилиб қад ростлаган бинога тушади. Бу ерда «Ҳунарманд» савдо ишлаб чиқариш корхонаси мажмуаси иш бошлади. Мажмуада аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, савдо хизмати, мазмунли ҳордиқ чиқариш учун видео зал мавжуд.

Қувончлиси шундаки, янги оила қураётган келин-куёвлар учун махсус бўлим бўлиб, уларда либос олиш билан бирга буюртмалар ҳам қабул қилинади. Кейинчалик бу ерда аҳолига хизмат кўрсатиш турларидан темирчилик ва дурадгорлик устахоналари фаолият кўрсатади. Хуллас, юмуш билан чиққан ҳар бир киши «Ҳунарманд»да ишини битира олади.

Суратларда: келин-куёвлар бўлими ходимаси Дилбар Сўллиева; озиқ-овқат бўлими сотувчиси Ғулбаҳор Абдураҳмонова.

Шавкат СУЛТОН олган суратлар.



Демократик ҳуқуқий давлат сари

ОМБУДСМАН ЭКСПЕРТ ГУРУҲИ

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси одамларнинг ўз фуқаролик, сиёсий-ижтимоий ҳуқуқ ва мажбуриятларга тўла амал қилишни таъминловчи тамойилларни пухта билишларига, умуман олганда ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятининг юксаклигига боғлиқ. Бугунги кунда инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизими шаклланиб, унда шахс эркинлиги, инсон ҳуқуқларининг мухофазаси ва кафолати қонун йўли билан ҳимоя қилинган. Эндиликда эса, инсон ҳуқуқларига оид қонунларга сўзсиз итоат этиш мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси учун муҳим вазифа бўлмоғи лозим. Ана шу вазифани амалга оширишда инсон ҳуқуқлари масалалари билан шуғулланувчи Омбудсман институти муҳим аҳамият касб этади. Бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент вилоятидаги минтақавий вакили Лазизахон ҒОФУРОВА билан мулоқотда бўлдик.

— Ҳозирда Омбудсман демократик йўлдан бораётган жамиятимизда инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этмоқда,— дейди суҳбатдошимиз. — Айниқса, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва уларни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштиришга, фуқароларнинг бу соҳадаги маданиятини оширишга ва билимларни тарғиб қилишга амалда кўмаклашиб келмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, «Олий Мажлис инсон ҳуқуқлари масаласи билан шуғулланувчи вакиллик - Омбудсманнинг ташкил этилиши олий қонунчилик мақомига мос келади. Муҳими, у жамиятимизда инсон ҳуқуқлари муаммосини ҳал этишни янги даражага кўтаришга хизмат қилади».

Айни пайтда Омбудсман институти инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида давлатимизнинг энг муҳим ҳуқуқий механизмларидан бири бўлиб шаклланмоқда ва унинг фаолияти мансабдор шахслар, айниқса, инсон ҳуқуқини ҳимоя қилувчи ташкилотлар устидан парламент назорати ўтказишдан иборат эканини эътироф этмоқда.

Фуқароларнинг мурожаатларини қайд этиш ва мутасадди ташкилотларда амалдаги қонунларда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ҳамда уларни умумлаштириш мақсадида Омбудсманнинг Тошкент вилояти минтақавий вакиллиги қошида жамоатчилик асосида ишлайдиган эксперт гуруҳи фаолият юритмоқда. Айни дамда вакиллик учун Тошкент Давлат аграр университети биносидан хизмат хонаси ажратилиб керакли жиҳозлар билан таъминланди. Гуруҳ аъзолари фуқароларни қабул қилиш даврида қонунийлик, адолатпарварлик, демократик, инсонпарварлик, ошкоралик ва очиқлик принциплари асосида иш олиб борадилар. Фуқароларга енгиллик туғдириш мақсадида ариза ва шикоятларни электрон почта хизмати орқали қабул қилиш ҳам йўлга қўйилди.

Омбудсманнинг Тошкент вилояти минтақавий вакили номига 2001 йилда аҳолидан 476 та мурожаатлар келиб тушди. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг баъзилари суд ҳукмидан норозилик, тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқи бузилганлиги, меҳнат низолари, ижтимоий таъминот, уй-жой муаммоларига оид масалаларни ташкил этади. Вилоятнинг туман ва шаҳарларидан келиб тушаётган аризалар сонига қараб ташкилотчилик ишлари олиб бориляпти. Ҳаракатлар бесамар кетмаяпти. Ижтимоий таъминот масалалари юзасидан 2000 йил 22 та мурожаатлар бўлган бўлса, 2001 йил даврида 14 та, қўлланилган эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи юзасидан эса 2000 йил 15 та, 2001 йилда эса бу кўрсаткич 1 тани ташкил этди. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида олинган мурожаатлар ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда уй-жой, маиший-хизмат масалалари бўйича 2,8 баробарга камайганлиги, албатта, ижобий ҳолдир.

Ҳозирда вакиллик ўз фаолиятини вилоят хотин-қизлар қўмитаси, касаба уюшмалари, аёлларнинг нодавлат ташкилотлари билан узвий ҳамкорликда олиб бормоқда. Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида Омбудсман институти турли идора ва ташкилот ходимлари билан фуқаролар ўртасида жонли мулоқот, семинарлар ташкил этди. Туман ва шаҳар ҳокимликларида эса «Омбудсман бурчаги» иш бошлади. Яна бир ютуғимиз, Тошкент Давлат аграр университетида «Университет Омбудсмани» ташкил этилди.

Давур ЖОЗИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

АРТУРНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Профессионал ва ҳаваскорлар боксида жаҳонда ўзбекистонлик чарм қўлқоп усталарининг ўз ўрни, мавқеи ва нуфузи бор. Ҳаваскор боксчиларимиз Осиёда энг етакчи ҳисобланади. Артур Григорян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Қувончбек Тойғонбоев, Руслан Чагаев каби профессионал боксчиларимиз эса халқаро майдонда юртимиз спорт шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси матбуот марказидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, Артур Григорян ўн еттинчи марта жаҳон чемпионлиги камарини ҳимоя қилган. Бу гал ҳамюртимиз уч карра жаҳон чемпиони - италиялик Штефано Цофга қарши рингга чиқди. Ўн икки раунд давом этган ушбу жангда А.Григорян очколар бўйича ишончли ғалаба қозонди.

(ЎзА).

Касаба уюшмалари ва йиғим-терим

Табиатнинг олий санъати инсон умр бўйи эзгуликка интилиб яшайди. Мақсадига эришиш учун изланади, тўсиқларни сабр-матонат билан енгиб ўтади. Бизнинг тизимимизда фаолият юритаётганлар ҳақида яйраб гапираман. Улар қадоккўл деҳқонлар, ноз-неъмат бунёдкорларидир. Бундай табаррук инсонлар манфаати, ҳак-ҳуқуқини ҳимоялаш, унумли, самарали ишлашлари учун зарур шароит яратиш ғоятда шарафли.

КЎНГИЛ ГУЛДЕК НОЗИК

Биласиз, Хоразм воҳасининг ери нисбатан шўрланган. Шу боис деҳқончиликда муаммолар етарли. Биз қариялар маслаҳатларига, шахсий ибратларига суянган ҳолда фаолият юритиб кам бўлмаяпмиз.

Беш панжа баробар эмас, деганларидек, ёрдамга муҳтож, боқувчисини йўқотган кимсалар ҳам йўқ эмас. Касаба уюшма қўмитаси уларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатиб келмоқда. Хусусан, 70 нафар ишламайдиган пенсионерлар меҳр оғушида. Жойлардаги хўжалик, корхона ва ташкилотларнинг маъмуриятлари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузилган. Унга кўра, 28 нафар пенсионер энг яхши санаторийларда имтиёзли йўлланмалар асосида дам олдирилди. Дала шиймонларида, маҳаллаларда ўтказилаётган жонли суҳбатлар касб-корни улуғлаш, ёшларни одобли, анъаналарга садоқат руҳида тарбиялашда жуда асқотмоқда.

Отахонлар ташаббуси билан бу йил август ойида болалар оромгоҳларида мириқиб дам олаётган болалар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Ғолиб жамоалар касаба уюшмаларининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Қувончлиси шуки, деярли барча хўжалик ва ташкилотларда хотира турнирларини ўтказиш одат тусига кирган. Қишлоқ кишиларига «Дўстлик», «Гулистон» ширкат хўжаликларида ўтказилган турнирларини ғоятда маъқул бўлди. Жисмоний тарбия ва спорт янада оммалашди. Одамлар туман хўжаликларида фидокорона меҳнат қилиб, довруғ таратган табаррук инсонлар ҳаёти ва фазилатлари билан яқиндан танишдилар. Ахир, ўзликни англамай туриб ўзганинг қадрига етиш қийин.

Туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси «Саломатлик» спартакиадаси ҳар томонлама намунали ўтиши учун барча имкониятни ишга солмоқда. Қаранг, ушбу спартакиадада қатнашиб, ғолибликни қўлга киритган жамоалар вилоят беллашувларида муваффақиятли қатнашиб, мини футбол бўйича умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни, стол тенниси бўйича эса биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдилар. Ғолиблар Термизда бўлиб ўтган республика қишлоқ спартакиадасида муносиб тарзда иштирок этдилар. Аёлларимиз спорт билан ошно бўлиб бораётганликлари қувонарли ҳол.

Ҳозирги кунда асосий эътибор пахта йиғим-теримига қаратилган. Бебаҳо бойлигимизни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш иштиёқида эрта тонгдан то кун ботгунга қадар эгат оралаётган теримчиларга маданий-маиший шароит яратиш, улар меҳнатини рағбатлантириш фаолиятимизнинг бош мезони бўлмоқда.

Х.ЭШЧОНОВ,
Шовот тумани агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.

МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

Жондор туманидаги Навоий номли ширкат хўжалиги пахта тозалаш заводи жорий йилда 51 минг тонна пахтани қайта ишлади. Бу ўтган йилга нисбатан 3 минг тоннага кўпдир.

Завод директори Меҳмон Янгиевнинг маълум қилишича, ўрнатилган янги технологиялар тола ишлаб чиқаришни бир ярим бараварга кўпайтирди. Қайта ишланган маҳсулотнинг 98 фоизи Жанубий Корея, Германия ва АҚШга жўнатилмоқда. Қолгани эса ички бозорга сотувга чиқарилаяпти. Заводда жорий йилда 5 миллиард 720 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Тайёр маҳсулотни Яккатутдаги қабул пунктига ташиш учун темир йўл тармоғи қурилди.

«Туркистон-пресс»

Ибрат

Оилалар тинч-тотувлиги, қишлоқларнинг файзу тароватн кўп жиҳатдан маҳалла фаолларининг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Дарҳақиқат, қаерда улар ҳамжиҳатлик билан иш олиб боришса, ўша ерда эзгу ниятлар рўёбга чиқади.

ТЎЙЛАР КАМЧИҚИМ, ФАЙЗЛИ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Жомбой туманида намунали маҳаллалар анчагина. Шулардан бири Журият қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Нўш» маҳалласи. Айни пайтда бу ерда 574 та хўжалик бўлиб, уларда 2347 нафар киши истиқомат қилмоқда. 660 ўринли мактаб, болалар боғчаси, кутубхона, 6 та савдо дўкони ва бошқа маиший-хизмат кўрсатиш корхоналари бор. Яқинда бу ерда хайрли ишга қўл урилди. Барот Нодиров, Аслиддин Салоҳиддинов, Исмоил Бозорбоев каби фермерларнинг маблағи ҳисобига маҳалла ҳудудида «Отахонлар чойхонаси» қурилиб, ишга туширилди. Қарияларни қадрлаш Давлат дастури доирасида маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ҳам кўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда.

180 нафар отахону онахонлар доимий эъзозда. Уларга шу кунгача 1 миллион сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

— Маҳалла фуқароларининг саъй-ҳаракати туфайли турли ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди, — дейди оқсоқол Сотиболди Ҳамдамов. — Маош олиб ишлайдиган штатлар сони кўпайтирилганлиги айни муддао бўлди. Халқ посбонлари, участка нозирлари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Шу туфайли сўнгги йилларда биронта ҳам кўнгилсиз воқеа содир этилмади.

«Нўш» маҳалласи фаолларининг тўй-маъракаларни камчиқим, ихчам қилиб ўтказишдаги саъй-ҳаракатлари яхши натижа бермоқда. Бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғини қошида тўй ўтказиш комиссияси ташкил этилган.

Кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳамда ёлғиз қарияларга алоҳида меҳрибонлик кўрсатилмоқда. Ҳар йили корхона раҳбарлари ва фермерлар ҳомийлигида ўнлаб болаларнинг суннат тўйлари ўтказиляпти. Буларнинг ҳаммаси меҳру оқибатни янада кучайтиряпти.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТАШАББУС

Янги ўқув йилидан бошлаб Зангиота туманидаги мактабларарo умумий овқатланиш комбинати куни узайтирилган гуруҳларда таълим олаётган кам таъминланган оилалар фарзандларини иссиқ овқат билан бепул таъминламоқда.

Шунингдек, улар тумандаги 30 дан ортиқ мактаб ошхонасига ҳар куни эрталабки нонушта ва тушлик учун хилма-хил қандолат, турли пиширик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини мунтазам етказиб бераётир.

ҲОМИЙЛАР ҲИММАТИ

Ғузор туманидаги қатор корхона ва ташкилотлар ҳиммати туфайли мактаб ўқувчилари учун 2 миллион сўмликдан зиёд дарслик ва ўқув қуроллари олиб берилди. Бу ишда, айниқса, «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонаси, «Мири-жанда» жомеъ масжиди, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман қўмитасининг ҳиссаси катта бўлди.

«Пахта банк»нинг Янгийўл туманидаги Гулбаҳор бўлимида айни пайтда 450 нафар мижозга хизмат кўрсатилаяпти. Шулардан 120 таси кичик ва ўрта бизнес субъектларидир.

Шуниси эътиборлики, хусусий мулк эгаларига кредит ажратиш миқдори йил сайин ошиб бормоқда. Жумладан, 2002 йилнинг 9 ойи давомида кичик ва ўрта бизнес субъектларига умумий қиймати 64 миллион сўмлик имтиёзли кредит тарқатилди.

Айни пайтда бўлимда хусусий тадбиркорларга кредит ажратишни кўпайтириш омонатчилар манфаатини ошириш, шунингдек, банклар билан улар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Суратда: кредит бўлими мутахассислари М.Дониёров ҳамда М.Гурянов иш пайтида.

Имконият ва натижа

ГАЗГА БОЙМИЗ
аммо у чексиз эмас

Вазирлар Маҳкамасининг «2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини бажаришга жойларда изчиллик билан киришилган. Жумладан, Бухоро вилояти «Вобкентгаз» корхонаси ёқилғи-энергетика заҳираларидан тежамкорлик билан фойдаланишга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

— Жамоамиз билан ички имкониятларни ишга солаяпмиз, - дейди корхона раҳбари Намоз Мустафоев. — Ходимларимизнинг бир гуруҳи табиий газдан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни истеъмол қилишни ҳисобга олиш даражасини ошириш ҳақида аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришди. Айни пайтда хонадонларда газни ҳисобга олиш приборларини ўрнатишга киришдик. Айрим оилаларнинг иқтисодий аҳволини ўрганиб чиқиб, жиҳозлар ва уларни ўрнатиш учун сарфланадиган харажатларни 3 босқичда тўлаш юзасидан шартномалар имзоланди. Ҳозир кўплаб хонадонлар ўрнатилган ускуналар туфайли табиий газдан тежамкорлик билан фойдаланишаётир.

Янги газ қувурлари тармоқлари ётқизилиб, фойдаланишга топширилаётгани ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Ўтган вақт ичида аҳоли ва хўжалик маблағлари ҳисобидан 32,8 километрлик қувурлар ўтказилди. Бу эса 473 та хонадонга «зангори олов» етказиб бериш имконини берди.

Белгиланган лимит бўйича ярим йилликда 51,5 миллион кубометр табиий газ олиниши керак эди, аммо 32,2 миллион кубометр ҳажмдаги ёқилғи олинди. Бу приборлар ўрнатилгандан кейин катта миқдордаги ёнилғи тежаб қолинди деганидир. Натижада 21,8 миллион сўмлик маблағ иқтисод қилинди.

Хайрулло Камолов номли ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи хонадон соҳиби Изатулло Прашов қишлоқдошлари орасида биринчилардан бўлиб газ ўлчагич мосламасини ўрнатиб, адашмаган экан. Кейинги 3 ойда оила бюджетидан 4,2 минг сўм маблағ тежалди.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Тадбиркорлик — давр талаби

«ДАМАС» ФЕРМЕР МЕҲНАТИНИНГ РАҒБАТИ

Комилжон Содиқов фермага тонг ғира-ширасида етиб келди. Қаршисидан патиллаганича, тиркама тўла беда билан трактор ўтиб кетди. Кабина ойнасидан тўнғич ўғли Шарифжоннинг бош ирғаб саломлашганини отаси базўр илғаб олди. Ўртанчаси Каримжон одатдагидек иш жойида: чорвани кўздан кечирмоқда. Шу пайт бостирма томонда сут соғувчи қизлар кўринди. Кўп ўтмай, Комилжон аканинг димоғига илиққина, тотли сут ҳиди урилди. Ана, фермер дарвозасидан пичан ортган «Камаз»лар карвони кириб келиб, ғарам томонга бурилди. Бутун фермани ўт-ўланлар бўйи тутди.

Булар фермага қут-барака ёғилаётганидан нишона бериб турарди. Беихтиёр ҳисобхона томонга йўл олди. Кенжаси Козимжон столга мук тушганича чўт қоқарди.

— Отажон, суюнчи беринг, - Козимжон отасига пешвоз чиқаркан, — тўққиз ойлик шартнома режадаги 150 тонна ўрнига 200 тонна топширибмиз.

— Кунлик соғин ҳам чаккимас, - мамнун жилмайди ота. — Демак, октябрдаёқ йиллик шартнома режасини бажарамиз.

Ошхона томондан занг овози эшитилди, ошпаз нонуштага чорлаётган эди. Комилжон ака ўғли билан хайр-хўшлашаётиб эшикдаги билдиришномага кўзи тушди. Унда бугун ойлик маош тарқатиладиган кун эканлиги, соғувчилар мукофот пулини ҳам олишлари мумкин эканлиги ёзиб қўйилганди. Фермер хўжалиги наслдор ҳайвонлар етиштириб берадиган мамлакатдаги илғор жамоадир. Ўрта ҳисобда йилига 35 бош қорамол буюртмачиларга сотиляпти. Ўтган тўққиз ой мобайнида Бухоро вилоятининг ўзига 9 бош наслдор сигир, бир бош новвос етказиб берилди.

«Ташаббус-2001» йил республика кўрик-танлови Комилжон аканинг бир умр ёдида қолган. Мулкдорга ғолиб сифатида «Дамас»нинг калити топширилди. ... Меҳнати рағбат топганидан боши осмонда эди. Фермада ўтказган уйқусиз тунлари, бир зумда унут бўлди. Истиқлол туфайли ер, мулк эгаси бўлиб эл-юртда қадр топганига шукрона келтирди.

Фермерлик жамоаси ўтган йили 50 бош соғин сигирдан 130 тонна ўрнига 260 тонна серқаймоқ сут соғиб олиб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажарганди. Ҳозирда кунига 600-700 литрдан маҳсулот ёки ҳар бош сигирдан ўртача 18-20 литрдан сут соғиб олинмоқда. Шартнома бўйича 50 бош бузоқ ҳам олиш режалаштирилмоқда.

Чорвачилик етти хазинанинг бири деб бежиз айтишмайди. Бултур тармоқдан 16 миллион сўмлик даромад қилинди. Сут сотишдан фермерликка 7 миллион сўмлик кирим бўлди. Соф даромад 10 миллион сўмдан ошиб кетди. Вақтида ойлик маошнинг тўланиши, ижтимоий ҳимоянинг энг мақбул йўлидир.

Комилжон ака хайру-саховатда меҳридарё инсон. Ҳудуддаги мактаб, болалар боғчаси бинолари фермер маблағи ҳисобига янги ўқув йилига тахт бўлди. Ўқувчиларни ўқув қуроллари, дарсликлар билан бепул таъминлаш, чорвардорларнинг 4 нафар фарзандини олийгоҳларда ўқитиш каби савоб юмушлар ҳам фермерлик ҳисобидан бўляпти. Андижонлик тадбиркорнинг тажрибаси чет эллик сармоядорларнинг ҳам диққатини тортмоқда. Яқинда америкалик, исроиллик, франциялик фермерлик ишлари билан танишиб фойдали ҳамкорлик қилиш ҳақида битим имзоланди.

Собиржон РЎЗИМАТОВ,
«Ишонч» мухбири.



«БУХОРОТЕКС» САНИТАРЛАРИ — БИРИНЧИ

Бухорода вилоят санитар дружиналариаро фавқулодда ҳолатларда касб маҳоратларини синаб кўриш мақсадида мусобақа бўлиб ўтди.

Қизил Яримой жамияти ва фавқулодда ҳолатлар бўйича вилоят бошқармаси уюштирган кўрик беш босқичда бўлиб ўтди. Мусобақани ўтказишда вилоят ҳокимлиги, Бухоро нефт заводи, «Бухородон» акциядорлик жамияти ва Бухоро шаҳар маданият бўлими ҳамкорлик қилишди.

Мусобақа якунига кўра «Бухоротекс» акциядорлик жамияти санитарлари биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ва учинчи ўринлар Когон ва Вобкент туманлари санитарларига насиб этди.

«Туркистон-пресс»

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

ШАРТНОМА ИНТИЗОМИНИ БУЗГАНЛАР
фаолиятига муносиб баҳо берилди

Мустақил Ўзбекистонимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси яратилган. Хусусий мулк дахлсиз, деб эълон қилинган. Амалдаги қонунчиликка биноан тадбиркор, деҳқон, ширкат ва фермер хўжаликлари аъзолари ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, улар ўзларига етказилган моддий зарарни ундириш, мансабдор шахсларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақлидирлар. Шу ўринда икки томон манфаатларини ўзида ифода этувчи шартномалар аҳамияти хусусида тўхталиш жоиз. Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақияти аввало, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг қонунчилик доирасида мукаммал тузилганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бироқ, ҳаёт кўрсатмоқдаки, ҳали айрим кичик ва ўрта бизнес субъектларида меъёрий ҳужжатларни тузиш юзасидан тажриба етишмаётгани, улар масаланинг моҳиятига чуқур кириб бормаётганликлари, қолаверса, баъзи корхоналар монополистик мавқеини ишга солаётганлиги қатор муаммолар, низоларни келтириб чиқармоқда.

Вилоят хўжалик судида шу йилнинг ўтган саккиз ойида кўриб ҳал этилган 2379 та ишдан 490 таси биз таъкидлаётган шартномавий муносабатларга оид келишмовчиликлардир. Ўзаро низовий масалалар камаймаётганининг асосий сабабларидан бири жойларда юридик хизматнинг ҳали кутилган даражада йўлга қўйилмаганлиги, ҳуқуқшунослар малакасининг етарли эмаслиги, қайсидир тадбиркорлар, ноз-неъмат яратувчиларда ҳуқуқий, иқтисодий билимлар саёзлигидир. Шу ўринда бир мисол. Хусусий тадбиркор Одил Абдуллаев Пахтакор туманидаги А.Икромов номли пахта тозалаш корхонасига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. Унда таъкидланишича, омилкор корхонага шартнома асосида транспорт хизмати кўрсатган. Бироқ, ҳисобкитоб қилишда ноқонуний йўл тутилган. Мазкур хўжалик иши судда кўриб чиқилиб, жавобгардан 2 миллион 644 минг сўм асосий қарз ҳамда шартнома шартларини бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунига кўра 1 миллион 57 минг 800 сўм ундириб берилди. Пахта тозалаш корхонаси раҳбари Б.Қўшбоқовга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилиб, ундан энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида жарима ундириладиган бўлди.

Энди деҳқон, фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлар фаолиятига оид ишларга тўхталайлик. Бугунги кунда вилоятимизда 1312 та кичик ва ўрта бизнес, 2180 та деҳқон хўжаликлари, 8880 та фермер хўжаликлари фаолият юритмоқда. Биргина фермерлар бўйича 8 ой ичида 768 та иш кўрилди. Шундан 142 таси даъвогар фойдасига ҳал этилди.

«Осиё», «Булунғур», «Қорамчи» фермер хўжаликлари контрактация шартномалари бўйича давлатга ғалла сотиш мажбуриятини бажарган бўлсалар-да, «Ғаллабанк»нинг вилоят минтақавий бўлими томонидан шартнома шартларига хилоф равишда маҳсулот учун ҳақ ўз вақтида тўланмаган. Шундан сўнг фермерлар тегишли маблағ ойлаб кечиктирилгани учун пеня ундириб беришларини сўраб, судга мурожаат қилишди. Бу адолатли талаб ҳам қондирилди. Ҳар бир фермер хўжалигига 500 мингдан 800 минг сўмгача пеня ундирилди.

Бир масала хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Таҳлил шуни кўрсатдики, Жиззах, Мирзачўл ҳокимликларида тадбиркорлар фаолиятига оид ноқонуний ҳужжатлар қабул қилиш фактлари кўпроқ учрамоқда. Масалан, Мирзачўл туман ҳокимининг «Қувват» фермер хўжалигига тегишли ер майдонида қатор хусусий хўжаликлар ташкил этиш тўғрисидаги ноқонуний қарори суд томонидан бекор қилинди. Тегишли ер ўз эгасига қайтарилди.

Жиззах туман ҳокимининг «Олимжон», «Бобожон ота», «Ҳолмурод ота», «Рисолат», «Аббос», «Азизбек» каби хусусий хўжаликларига тегишли ер майдонларини қайтариб олиш тўғрисидаги қарори суд томонидан ноқонуний деб топилди.

Иқтисодий соҳада қонунбузилиш ҳоллари ҳам учраб турибди. Йилнинг ўтган даврида 60 та тўлов, 42 та шартнома интизомини бузган мансабдор шахслар маъмурий жавобгарликка тортилди. Тўрт нафар раҳбар хўжалик суди тақдимномасига асосан вазифасидан озод этилди. Биз шу кун талабидан келиб чиққан ҳолда тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш пайида бўляпмиз. Мақсадга эришишда сайёр суд мажлисларининг аҳамияти катта бўляпти. Ҳозирча 912 та хўжалик ишлари сайёр мажлисларда кўриб чиқилди. Буларнингг ҳаммаси омма билан алоқани янада мустаҳкамлаш, муаммоларни иложи борича жойида ҳал этиш имконини бермоқда.

Ш.МАМАДИЁРОВ,
Жиззах вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

Дунё бизни, биз дунёни танимоқдамиз

МАЛАЙЗИЯ

XX асрнинг охирларида иқтисодий ривожланиш суръатлари жиҳатидан Осиё-Тинч океани минтақасидаги давлатлар юқори поғонага кўтарилишди.

Шуниси диққатга сазоворки, ривожланиш йўлига ўтган давлатларнинг деярли барчаси ўз даврида мустамлакачиликни бошидан кечирган, метрополиянинг хом-ашё базасига айлантирилган, иқтисодиёт бир томонлама ривожланиб, аҳолининг моддий турмуш даражаси ниҳоятда паст бўлган.

Ана шундай давлатлардан бири Малайзия бўлиб, у жануби-шарқий Осиёда жойлашган. Унинг ҳудуди — 332,8 минг кв.км. Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 13 штат ва 2 федерал округга (Куала-Лумпур ва Лабуан ороли) бўлинади. Аҳолиси 20,1 миллион. Туб аҳолиси 55 фоизни ташкил этади. Ислом (сунний) давлат дини ҳисобланади, шунингдек, буддистлар, хундуистлар, христианлар ҳам бор. Давлат тили — малай тили. Инглиз, хитой, тамиль тиллари расмий тиллар сифатида тан олинади.

Пул бирлиги эркин муомаладаги ринггит 100 сенга бўлинади.

XVI асрдан бошлаб Португалиянинг, 1641 йилдан Нидерландиянинг, 1824 йилдан Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлган. 1941-1945 йиллари эса уни Япония босиб олди. Фақат 1957 йилнинг 31 августида Буюк Британиянинг қарамлигидан қутилди, аммо Ҳамдўстлик аъзоси бўлиб қолди. 1963 йилнинг 16 сентябрида мамлакат Сингапур, Сароваи ва Сабах (ороллар) билан бирлашиб Малайзия Федерацияси номини олди. 1965 йилда Сингапур федерациядан чиқди. 1967 йилдан буён Малайзия АСЕАН ташкилотига аъзо (бу ташкилотга 7 давлат аъзо) бўлди.

Мамлакатда қазилма бойликлар ниҳоятда кўп. Шу сабабли мустақилликни қўлга киритган давлатда иқтисодиёт таркибини қайта кўриб чиқиш, чет эл капиталига қарамликни камайтириш асосий вазифа бўлди. Қайта ишловчи саноатни кенгайтириш, тор ихтисослашувни аста-секин йўқотиш йўлидан борилди. Давлат узоқ муддатли режалаштиришдан фойдаланди, беш йиллик режалар белгиланди. Олиб борилган тадбирлар туфайли 1966-1970 йиллари ялпи миллий маҳсулот ҳар йили 6,5 фоиздан ўсиб борди. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, иқтисодиётда хусусий сектор асосий ўринни эгаллашига қарамасдан, айрим тармоқларда давлат мулки ҳам салмоқлидир, чет эл капиталини инвестициялашга ҳам катта ўрин берилган. Давлат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва инфратузилмани тараққий эттиришда фаол иштирок этади.

Айниқса, XX асрнинг 80-90 йиллари мамлакатда юксалиш даври бўлди, иқтисодиёт йилига ўртача 7,5-11 фоиз ўсиб бормоқда.

Хўш, бу тараққиёт сирлари нимада? Улар бир нечта бўлиб, айримларини кўрсатиб ўтамиз.

Давлат иқтисодиётда фаол ролни ўйнайди. Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш ва соф бозор муносабатлари ўзаро қўшилиб кетган. Иқтисодиёт узоқ даврга режалаштирилади: эркин бозор ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан рағбатлантирилади, давлат томонидан инвестициялаш кенг йўлга қўйилган. Турли миллат вакиллари ва динлар ўртасида ихтилоф, келишмовчилик деярли йўқ.

Малайзиянинг иқтисодий ривожи асосан уч омилга: 1) каучук; 2) пальма ёғи; 3) қалай ишлаб чиқаришга боғлиқ. Мамлакат шу уч маҳсулотни экспорт қилиш бўйича жаҳонда биринчи ўринда туради. Дунёдаги каучукнинг 50 фоизига яқини ва қалайнинг 40 фоизи шу ерда ишлаб чиқарилади ва миллий даромаднинг ярмини беради. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бунда Буюк Британиянинг роли катта, шунингдек, Япония ва АҚШ инвестициялари ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Йилига 1,5 миллиард долларлик каучук, 1,8 миллиард долларлик пальма ёғи, 0,5 миллиард долларлик қалай экспорт қилинади.

Табиий ёғин-сочин асосида ўсадиган экинлар билан бирга, сунъий суғориш ҳам ривожланиб бормоқда (асосан шоли ва сабзавотлар). Йирик хўжаликлар билан бирга майда ер эгалиги (асосан, хитойликлар) ҳам мавжуд. Ундан ташқари қишлоқ хўжалигида қалампир, ананас, чой ва какао ўстириш ҳамда четга чиқариш ривожланган. Шоли экиш ва гуруч истеъмол қилиш кенг тарқалган, аммо чорвачилик кенг ёйилмаган. Озиқ-овқат рационида балиқчилик маҳсулотлари катта ўринни эгаллайди.

Мамлакатда бошқа ривожланган соҳалардан бири сифатида ноёб ёғоч ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш алоҳида ўринни эгаллайди, йилига 3 миллиард долларлик ёғочтахта экспорт қилинади.

Қишлоқ хўжалигида капиталистик хўжаликлар етакчи ўринни эгаллайди. Товар ишлаб чиқаришда йирик плантация хўжаликлари ҳал қилувчидир.

Табиий бойликлар ичида нефт муҳим ўринни эгаллайди. Унинг умумий заҳираси 400 миллион тонна бўлиб, йилига 25-30 миллион тонна қазиб олинади, ундан ташқари 8 миллион тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Боксит ва темир рудаси заҳиралари ҳам катта. Бошқа минерал хом ашёларни қазиб олиш ҳам олиб борилмоқда. 1982-92 йиллар оралиғида айниқса, хусусий сектор юқори унумга эришди, ишлаб чиқариш тармоқлари билан бирга, нисбатан янги хизмат соҳаларида муҳим муваффақият қозонилди. Анъанавий соҳалар билан бирга жаҳонда талаб ошиб бораётган янги тармоқлар вужудга келди ва энг муҳими ишлаб чиқарилган маҳсулотлар дунё рақобат курашида енгиб чиқиб, етакчи ўринларни эгаллади. Электрон саноатини ривожлантириш етакчи соҳа деб ҳисобланади ва бу борада бошқа илғор мамлакатлар билан яхши ва самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда. Айниқса, Япония ва АҚШ ишбилармонлари бу мамлакатга алоҳида меҳр билан интилмоқдалар.

Ривожланган тармоқлардан яна бири автомобил саноати ҳисобланади. Темир йўллар узунлиги 1.800 км. автомобил йўллари 39.100 км. Асосий портлари: Жоржтаун, Келанг, Куантан, Кота-Кинабалу, Кучинг, Мири, Сандакан, Сибу.

Малайзия ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар 1992 йил 21 февралда ўрнатилган. Мустақил Ўзбекистоннинг Малайзия билан иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги муносабатлари тобора мустаҳкамланмоқда. Давлат бошлиқларининг ўзаро ташрифлари, тузилган шартномаларнинг кенг кўлами истаклар муштараклигидан далолат беради. Иккала мамлакат ўртасида кўпгина шартномалар тузилиб, улар асосида иш олиб борилмоқда.

А.РАЗЗОҚОВ,
профессор.

ЯҚИН ШАРҚ:

«ТЎРТЛИК» РЕЖАСИДАН УМИД КАТТА

Яқин Шарқда вазият яна кескинлаша бошлади. Куни кеча Исроил шимолидаги араблар истиқомат қилувчи Умм-ал-Фаҳм шаҳрида бир киши ўзини портлатиб юборди.

Исроил бош вазири Ариэл Шароннинг отишмаларни тўхтатиш ҳақидаги буйруғидан сўнг вазият анча яхшиланиб қолганди. Натижада жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатлари билан «Тўртлик» режасини амалга оширишга тайёргарлик кўрила бошлади. Бироқ юз берган террорчилик туфайли лойиҳанинг тез орада амалга ошиши даргумон бўлиб қолди.

«Тўртлик» режасига БМТ, Европа Иттифоқи, Россия ва АҚШ асос солган. Лойиҳа уч қисмдан иборат бўлиб, дастлаб, яъни 2003 йилда Фаластинда сайлов ўтказилиши, Фаластин хавфсизлик хизматининг ислоҳ қилиниши ва Исроил қўшинларининг Фаластин еридан чиқиши кўзда тутилган. Шундан кейин Фаластин давлати ташкил этилади. Охирги босқичда - 2004-2005 йилларда давлат мақоми борасида ўзаро музокара бўлиб ўтиши керак.

Бироқ мазкур лойиҳанинг самара беришига Исроил халқи шубҳа билан қарамоқда. Фаластинликларнинг ўзлари ҳам бу режага ишончалик ишонмаяпти. Кузатувчиларнинг айтишича, масалани аввал Исроил ва Фаластин ҳукуматлари кўриб чиқиши керак. Воситачиларнинг режаси пухта ишлаб чиқилган, бироқ уни бирданига амалга ошириш мушкул. Сабаби, низони фақат отишмалар келтириб чиқараётгани йўқ.

Келишмовчиликларга барҳам бериш мақсадида Исроил ҳукумати Қуддус шаҳрини электрон девор билан бутунлай ўраб чиқиш ниятида. Ушбу ҳимоя девори ҳозир Fазо минтақаси атрофидаги Исроил-Ливан чегарасида бор. 25 километр келадиган мазкур деворнинг афзаллиги шундаки, у узоқ масофадан ҳам чегарадан ўтаётган кишини бемалол қайд этиш имконини беради. У Қуддус шаҳрини Иордан дарёсининг ғарбий соҳилидан ажратиб туради.

Янги режага томонлар қаршилик билдирмаяпти. Ариэл Шарон Фаластинда хавфсизлик кучлари тартибга солинса, масала ойдинлашишини таъкидламоқда. Бунга жавобан, Ёсир Арофат Исроил қўшинларининг мухторият ҳудудидан тезроқ чиқишига умид боғлаётир.

Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес ва Фаластин вакили Набил Шаат «Тўртлик» режаси муаллифлари билан илк бор учрашганда муросага кела олмаганди. Аммо барибир, томонлар тил топишишига тўғри келади. Чунки икки йил аввал қайта бошланган зиддият икки мингдан ортиқ одамнинг ёстиғини қуритди. Муросасизлик давом этаверса, бу рақам янада ошавериши турган гап.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎзА шарҳловчиси.

Шарҳловчи минбари

УЧРАШУВ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) президенти Ким Чен Ир билан Япония бош вазири Жунъитиро Коидзуми ўртасидаги учрашув муваффақиятли якунланганини жаҳон ҳамжамияти эътироф этаётир. Учрашув жуда мураккаб шароитда ўтиши аввалдан таъкидланган эди. Чунки, икки давлат ўртасида қарийб эллик йилдан буён дипломатия муносабатлари йўқ. Бироқ Пхеньян ва Токионинг музокара чоғида кўтарилган масалалар бўйича ўзаро муросага келиши томонларнинг муносабатларни яхшилашга жиддий интилаётганини яна бир бор намойиш қилди.

РАТА-ТАСС агентлигининг хабар қилишича, учрашувда Токио томони мустамлака учун Пхеньяндан узр сўраган. Япония дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан кейин Шимолий Кореяни иқтисодий томондан қўллаб-қувватлашга ва узоқ муддатга мўлжалланган имтиёзли кредит ажратишга ваъда берган. Келишувга биноан, икки мамлакат халқаро ҳуқуқни ҳурмат қилган ҳолда бир-бирига таҳдид солувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширмайди ва Шимоли-шарқий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда ҳамкорлик қилади. Шунингдек, дипломатия муносабатлари ўрнатиш бўйича музокараларни октябр ойида бошлашга келишиб олинди.

Музокарада Корея яриморолида ядро қуроли сақлаш масаласи ҳам муҳокама этилди. Томонлар бу борадаги халқаро келишувларни ҳурмат қилиш ҳамда ўзаро ядровий хавфсизликни таъминлаш масаласи бўйича мулоқотларни давом эттиришга келишди. Шимолий Корея 2003 йилгача белгиланган ракета

синовини тақиқлаш тўғрисидаги ҳужжатнинг амал қилиш муддатини чўзишга ваъда берди.

Кутилганидек, Токио КХДР махфий хизмати томонидан 70-80 йиллари ўғрилаб кетилган 11 нафар Япония фуқаросини ватанга қайтариш борасида ёрдам сўради. Шимолий Корея Қизил хоч ташкилотининг маълум қилишича, ҳозир уларнинг тўрт нафари ҳаёт. Япония бош вазири музокарадан сўнг журналистларга КХДР президенти Ким Чен Ир ушбу воқеа, ҳақиқатан ҳам, юз берганини тан олгани ва узр сўраганини маълум қилди.

КХДР президенти билан Япония бош вазири ўртасида бўлиб ўтган учрашув Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда янги даврни бошлаб бермоқда. БМТ Бош котиби Кофи Аннаннинг таъкидлашича, Япония билан Шимолий Кореянинг эски гина-кудуратни унутиб, долзарб муаммоларни ҳал этишга киришиши икки томонлама муносабатлар тезроқ яхшиланишига олиб келади. Бош котибнинг фикрича, халқаро ҳамжамият КХДР билан Японияннинг яриморолда мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш йўлидаги сайъ-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши зарур. Кофи Аннан ривожланган давлатларни БМТ орқали КХДРга инсонпарварлик ёрдамини кучайтириш ва шу йўл билан Шимолий Кореянинг иқтисодий тараққиётини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА шарҳловчиси

СЎНГГИ ХАБАРЛАР

БУНДЕСТАГ ЎРИНДИҚЛАРИ ЭГАЛАРИНИ КУТМОҚДА

Германия аҳли якшанба куни бўлиб ўтадиган сайловларни кутиб яшамоқда. Сўровларга қараганда, сиёсий баҳсга киришган партиялар эгаллаган ўринлардаги фарқ бармоқ билан санарли даражада бўлиши мумкин.

Бундестагга жами 596 депутат сайланади. Уларнинг ярми тўғридан-тўғри сайланса, иккинчи ярми партиявий рўйхатга кўра тасдиқланади.

Охир оқибатда ким Германия канцлери бўлади, деган саволга ҳам жавоб олинади.

ТИББИЙ КЎРИК УЧУН — ФРАНЦИЯГА

Афғонистоннинг собиқ қироли Муҳаммад Зоҳир Шоҳ тиббий кўрикдан ўтиш учун Францияга йўл олди. Ёрдамчилардан бирининг айтишича, 86 ёшли Зоҳир Шоҳнинг саломатлиги ҳеч қандай ҳавотир уйғотмаса-да, одатдаги даволаш курсини ўташ фойдадан ҳоли эмас.

Маълумки, собиқ қирол узоқ йиллик қувғиндан сўнг Италиядан ўз мамлакатига қайтгандан буён жиддий равишда саломатлиги ҳақида бош қотиришга фурсати бўлмаганди.

УМИД ПАЙДО БЎЛДИ

Расмий Бағдод халқаро ҳарбий кузатувчиларни Ироққа ҳеч қандай олдиндан шартларсиз киргизишга рози бўлгач, аҳвол тубдан ўзгарди. Инспекция зиммасига эса ғоят жиддий саволга жавоб олиш юклатилган. Яъни, Ироқда оммавий қирғин қуроллари ишлаб чиқариш билан боғлиқликда шубҳа қилинган барча объектлар назоратдан ўтказилиши керак.

Бу қанча муддатда амалга оширилади, ҳозирча номаълум. Россия Мудофаа вазири Сергей Ивановнинг фикрича, бир ой кифоя қилади. Лекин Франция вакилларининг ҳисобича, бу ҳатто бир йил давом этиши мумкин.

ЧЕГАРАДА «ЯРАШ ОШИ»

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Корея ярим оролида бошланиб кетган можаро бир миллатнинг икки давлатга ажралиб кетиши билан тугаганди. Орадан шунча вақт ўтса-да, Шимол билан Жануб сира тил топиша олмаётган, «совуқ уруш» ҳолати ҳамон сақланиб қолаётган эди.

Ниҳоят, муз кўчди. Шимолий ва Жанубий Корея ҳарбийлари демилитаризация қилинган ҳудудни минадан тозалашга киришдилар. Ҳадемай темир йўл ва автомобил магистрали бўйлаб мунтазам қатнов йўлга қўйилади.

ПУЛ ТОПИЛАДИ, ЛЕКИН СОҒЛИҚ...

Энг катта бойлик, бу соғлиқ деб бежизга айтмайдилар. Европаликлар бундан саккиз ярим ой муқаддам муомалага киритилган пул бирлиги — евро билан фахрланишга улгурмасдан бир қалқиб тушдилар. Маълум бўлишича, икки евролик тангаларда инсон саломатлигига путур етказувчи никел моддаси ҳаддан зиёд кўп экан.

Нима қилиш керак, деган савол ҳам мутахассисларни ўйлантириб қўйди. Ушбу тангаларни қайтадан эритиб, янгиларини муомалага киритиш керакми ёки... Жуда кўпчилик қиймати икки евро бўлган валютани қоғоз пулларга алмаштириш энг тўғри йўл, деган фикрни айтмоқда.

МАРСДА ҲАЁТ БОРМИ?

Биз бу ҳақда жуда кўп ўйлаймиз. Мутахассислар эса гоҳ бор, гоҳ йўқ, деган жавоб билан қизиқишимизни баттар оширадилар.

Марсда микроблар яшаб қолиши мумкин! Лаборатория шароитида Марс сайёраси шароитини «тиклаган» америкалик олимлар шундай шов-шувли хабарни тарқатдилар.

Профессор Тимоти Кралнинг сўзларига қараганда, «тадқиқотдан кўзланган биринчи мақсад, бу Марс шароитида тирик организмларнинг яшаб қолишига эришишдир».

Ҳозирданоқ Ерга энг яқин сайёрада музликлар борлиги ҳақидаги гап-сўзлар барчани қизиқтириб қўйди.

АЖДОДИ ҚИРОЛ ЭКАН

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг маълум қилишича, АҚШ президенти Жорж Буш ва марҳума малика Диана узоқ қариндош бўлиб чиқди. Уларнинг қонини боғловчи ришталар XV асрга бориб тақалар экан. АҚШнинг «Май фэмили энд Ко» компанияси буюртмасига биноан олимлар томонидан аниқланган ушбу қариндошлик ришталаридан XX асрнинг яна бир таниқли сиёсатчиси - Уинстон Черчилл ҳам жой олган. Текширув натижасига кўра, соҳибжамол Диана, Жорж Буш ва Буюк Британиянинг 1965 йилда вафот этган бош вазири У.Черчиллнинг насл-насаби беш юз йилча аввал Нортҳэмптоншир графлигида яшаб ўтган Генри Спенсер номли одамга бориб тақалар экан.

Буш сулоласининг Буюк Британия қироллик хонадони билан қариндошлик алоқалари борлиги азалдан маълум эди. Лекин улар XII асрда қироллик қилган Генрих Биринчининг авлоди эканига бошқаларни ишонтириш учун генеология маркази томонидан тасдиқланган ҳужжатлар зарур бўлди.

(ЎзА).

Касаба уюшма мукофоти лауреатлари



Ёз ўрталари. Фарғона водийсида ўхшаши йўқ Чуст истироҳат боғи. Водийнинг турли вилоятларидан сайрга келувчиларнинг кети узилмайди. Кўплар қатори биз ҳам бу гўзал бўстонни айланарканмиз, боғнинг икки чети бўйлаб қаторлашган чойхоналарнинг биридан эшитилаётган дутор навоси эътиборимизни тортди.

— Санъаткорлар ҳам ташриф буюришибди-да бугун, — деди шерикларимиздан кимдир. — Отасига раҳмат-е, аммо дутор торларини ҳам эшиб кўяркан, гапиртириб юборяпти-я!

КУЙЛА ДИЛКАШ ДУТОРИМ

Ҳамроҳимиз журналист йигит изоҳ берди:

— Бу ўзимизнинг Салимжон Тошпўлатов. «Барион» корхонасида ишлайди. Лекин ҳақиқатан ҳам қойил қолиш керак, дуторни эшиб кўяди. Чиндан ҳам туғма талант.

Омадимиз чопиб дутор чертаётган йигит ўтирган сўри яқингинасидан жой олдик.

Гўё созанда чалаётган куйга ўзи маҳлиё бўлгандек кўзларини юмиб олган, бармоқлари эса дутор торлари узра йўрғалайди. Атрофдагилар куй оҳангига бамисоли сел бўлиб оқади.

Айтишларича, Салимжоннинг отаси ҳам ғижжакда турли халқ куйларини ижро этиб юрган. Лекин мусиқа бобида йигитга амакиси устозлик қилган. У шаҳардан ўн-ўн беш чақирим олисда, азим Сирдарё бўйидаги қишлоқда яшаган. Дуторнинг чинакамига шайдоси бўлган бу киши қаерга бормасин, икки букланадиган усулда ясалган дуторни чиройли қилиб тикилган гулдор халтачасига соларди-да ўзи билан бирга олиб юрарди. Амакиси кўнгли дарё одам бўлиб, Салимжон уйларига бориб қолса, тамоман дутор унинг қўлига ўтарди.

— Шу тариқа бир-икки йил ўтмасдан дуторни туппа-тузук чертадиган бўлиб қолдим, — эслайди С.Тошпўлатов. — Учинчи синфда ўқиётганимдаёқ мактаб бадиий ҳаваскорлар тўгарагининг аъзоси эдим.

Қобилияти педагогика институтида ўқиб юрганида ҳам қўл келди, олийгоҳ ансамблининг фаол иштирокчисига айланди. Қатор вилоятларда, республика пойтахти Тошкентда ўтказилган талабалар бадиий ҳаваскорлик чиқишларида яккахон дуторчи сифатида ном чиқарди.

Институтни тугаллаб қайтган ва мактабнинг илғор ўқитувчиларидан бирига айланган йигит аввалига туман, кейинроқ туманлараро бадиий ҳаваскорлик тўгараклари чиқишларида иштирок этиб донг таратди. Шу билан бир қаторда унда яна бир фазилат — ташкилотчилик қобилияти намоён бўлдики, бу турли ташкилий тадбирларда асқотди. Шу хислатлари олдинига мактаб, сўнг туман халқ таълими миқёсидаги касаба уюшма фаолларидан бири сифатида танитди. Жумладан, шаҳарда «Барион» корхонаси ташкил этилгач, уни шу жамоага касаба уюшма қўмитаси раислигига сайлашди. Бугунги кунда эса у шу корхона ишлаб чиқариш ривожи йўлида баҳоли-қудрат ҳисса қўшмоқда.

— Мусиқа мавзуида гап кетганда бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди, дейди, С.Тошпўлатов. — Мактабда бошланғич синфларда ўқирдим. Мана шу шаҳар истироҳат боғида таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Азимованинг концерти бўлди. Ўшанда номдор хонандага кимдир дуторни сиздан ҳам ўтказиб чаладиган бола бор, деб мақтабди. Қарангки, мен олдинги қаторда ўтирган эдим ва мени саҳнага чиқаришди. Мен дутор чертдим, опа қўшиғини ижро этдилар. Концерт охирида машҳур хонанда бошимга дўппи кийдирдилар. Ўшандан буён қаерда бўлмайин, қайси соҳада ёки лавозимда ишламайин, қўлимдан дуторни қўймайман.

С.Тошпўлатовнинг санъатга ошнолиги унга ҳамиша ҳурмат ва обрў келтирди ва Ўзбекистон касаба уюшмалари мукофоти лауреати деган шарафли унвонга сазовор этди.

— Юрагимда битта армон, битта ўкинч бор, — дейди суҳбатдошимиз. — Очиғини айтганда, кейинги пайтларда ғарбнинг такомиллашган ва электр ёрдамида ишлайдиган мусиқа асбоблари кўпайиб, дуторга эътибор сусайиб кетаётгандек, ёшларимиз ҳам бунга эътиборсиз муносабатда бўлаётгандек туюляпти. Мусиқа асбобларимиз гултожи саналган дутор ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Истайманки, дуторларимиз четда чанг босиб қолмасин!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

ШАРҚНИНГ БУЮК ШОИРИ

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида Шарқнинг буюк шоири, хамсанавислик пешвоси, форсий шеъриятда «Ганж пири» номи билан шуҳрат топган Низомий Ганжавийнинг 860 йиллигига бағишланган илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Эрон Ислом ҳамда Озарбайжон Республикаларининг Ўзбекистондаги элчихоналари ходимлари, илмий жамоатчиликнинг таниқли намоёндалари иштирок этдилар.

Анжуман иштирокчиларида Ҳусайн Нароқиённинг «Низомий адабиёти», доктор Иброҳим Худоёрнинг «Низомий тасвирлаган идеал шаҳар хусусида», профессор А.Ҳайитметовнинг «Низомий ва Навоий», профессор Б.Тўхлиевнинг «Маҳзан ул-асрор»нинг «Гулшан ул-асрор» билан қиёсий таҳлили», профессор Ҳ.Ҳомидийнинг «Низомий Барбад ҳақида» ва илмий ходим Ё.Исҳоқовнинг «Низомий ва соқийнома жанри» мавзуларидаги маърузалари катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир сўнггида олийгоҳ талабалари Низомий ғазалларидан намуналар, «Хамса» достонларидан парчалар ўқидилар.

Н.АВЕЗОВА.



ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ЧИН МУҲАББАТ УЗОҚ УМР ГАРОВИ

Умри узоқ кишилар ҳаёти ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Бироқ энг узоқ яшаган ёки яшаётган эр-хотинлар тақдири билан негадир камчилик қизиқади. Ер юзида ярим асрдан ортиқ бирга яшаб келаётган жуфтликлар саноқли. Улардан бири АҚШда истиқомат қилувчи Ритчи оиласидир.

Улар 1919 йилда турмуш қурган. Шундан бери бирор марта сен-менга бормаган. 104 яшар Билл 98 яшар рафиқасини шунчалар суядики, уни еру кўкка ишонмайди. Улар анча мункиллаб қолган бўлса-да, қалбидаги муҳаббат оташидан бугунги ёшлар ўрнак олса арзийди.

Қарияларнинг номи Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди. Қулоғи бироз оғирлашиб қолган эр-хотинга бу қувончли воқеани етказиш осон бўлмади. Афсуски, Билл ва Лил (уларни яқинлари шундай атайди) ўзининг турмуши оламшумул аҳамиятга молик воқеа бўлганидан унчалик ҳурсанд эмас. Гап шундаки, биргаликдаги 83 йиллик умри давомида улар икки фарзандидан жудо бўлди. Ҳозир чол-кампирнинг 9 набираси, 23 чевараси ва 18 эвараси бор. Яқинда бу сулоланинг сафи яна кенгаяди.

Айём арафасида оилага дунёнинг турли чеккаларидан олти юзга яқин табрикнома келди. Билл совғаларнинг барчасини набираларга улашди. Бари кўнгилдагидек бўлди, аммо бир ҳол уларнинг дилини бир оз ранжитди. Байрам сабабчиларининг ўзи бу тантанали кунни қариялар уйида кутиб олди.

Ритчининг икки қизи етмишдан ошиб қолди. Уларнинг соғлиғи ҳам жойида эмас. Набираларнинг қарияларни парвариш қилишга руҳуши ҳам, имконияти ҳам йўқ. Шунинг учун Билл ва Лил қолган умрини қариялар уйида ўтказишни маъқул кўрмоқда. Чол-кампир бир-бирисиз кун кечиролмайди. Уларнинг ҳаёт мазмуни бир-бирида. Қариялар уйига ҳам бирга боришган.

— Бутун умрим давомида аёлимни ҳурмат қилиб келдим, - деди Билл журналистларга. — Унинг кўнглини овлашга ҳаракат қилдим. Шунга яраша Лил ҳам менга қаттиқ кўнгил қўйган. Муҳаббат ҳаётимиз мазмунидир. Узоқ яшашнинг ягона сири ҳам шунда бўлса керак.

(ЎзА).

Биласизми?

ЭНГ КЎҲНА ГЛОБУС

XVII асрнинг биринчи ярмида Голштиния (Даниянинг жанубидаги ҳудуд) герцогининг буйруғи билан жаҳонда биринчи глобус — планитарий қурилди ҳамда герцогнинг Готторп қасридаги қароргоҳига ўрнатилди.

Глобус ичи бўш, юпқа деворли шардан иборат бўлиб, кўндаланги 3,3 метр эди. Унинг сиртида қитъалар, океанлар, денгизлар, тоғлар, ўсимликлар ва аҳоли яшайдиган ўирик пунктлар ичида эса Шимолий ва Жанубий ярим шарларнинг юлдузли осмони тасвирланган эди.

Шарнинг ўртасида қўзғалмас темир ўқ ўтказилган, ўққа айлана стол ва ўн киши сиғадиган курси ўрнатилганди.

1713 йилда Голштиния ҳокими глобусни Пётр Іга совға қилди. Пётр І катта қийинчиликлар билан, кўп маблағ сарф қилиб глобусни Петербургга келтирди.

1747 йилда глобус сақланаётган музейга ўт кетди. Энг қимматбаҳо ёдгорликлар билан бирга Готторп глобуси ҳам кулга айланди.

ҚАЙСИ ДАРАХТ БАЛАНД

Аксарият ўсимликлар дақиқасига 0,005 миллиметр ўсади. Қовоқ ўсиш тезлиги ҳар дақиқада 0,1 миллиметрни ташкил этса, айрим қўзиқоринлар 5 миллиметр ўсади.

Дарахтлар ичида бамбукка тенг келадигани йўқ. У соатига 2 сантиметрга ўсиб, 5-6 ҳафта ичида 18 метрга бўй чўзади. Лекин бўйи 38 метрга етгач, у ўсишдан тўхтайди.

Ялпи баландлиги бўйича эквалинт ер юзида танҳодир. Унинг бўйи 255 метрга етиши мумкин.

Секвоя ҳам ундан қолишмайди — 150 метр, бошқа дарахтлардан арафеария 60, эман 50, кедр 40, қайин 30 метргача ўсиши мумкин.

А.АЛИЕВ тайёрлади.

Шоҳмот оламида

ПОТ ҲАМ ЗАВҚ БАҒИШЛАЙДИ

Пот қилиш осон эмас. Чунки унга ҳамма вакт ҳам эришилавермайди. Кўпинча кучсизланиб, танг ахволга тушиб қолган томон шундай қилишга мажбур бўлади. Баъзан бошловчи шоҳмотчилар билмасдан ўйинни пот қилиб қўядилар. Шундай натижа қайд этилганида ўйин дуранг баҳоланиб, томонлар очкони баҳам кўрадилар. «Нафақат пиёда ёки бирорта сипоҳ, балки шоҳ ҳам ўрнидан жила олмай қолганида ўйин пот бўлади». Рус шоҳмот назариётчиси А.Петров потни ана шундай изоҳлайди.

Таъкидлаш ўринлики, бундай тартиб қабул қилинганига унча кўп бўлгани йўқ. Голландиялик шоҳмот тарихчиси ван дер Пинде бу ҳақда қуйидагича ёзади: «Пот ҳолати IX-X асрларга мансуб араб қўлёзмаларида илк бор учрайди. Ўша пайтларда пот хавфи бўлган рақиб енгилган деб ҳисобланган». Инглиз тарихчиси Г.Меррей кейинроқ ван дер Пинденинг мулоҳазаларини тасдиқлаб, ўзи қадимги араб қўлёзмаларида дуч келган манба бунга далил бўлиб хизмат қилганлигини айтади. Ўрта асрларнинг таниқли шоҳмотчиси, испаниялик Ҳуан Гамирес Лусена ҳам 1497 йилда нашр этилган китобида айнан шу фикрни таъкидлайди. Яна бир машҳур испан шоҳмот назариётчиси Руи де Сегуре Лопес 1561 йили ёзилган рисоласида Испания, Германия, Англия каби Европанинг кўпгина мамлакатларида бу қоида XV асрнинг тахминан ўрталарига қадар сақланиб қолганлиги ҳақида маълумот беради. Мадраслик Травангадахари Шастри эса 1814 йилда босилиб чиққан китобида «Ўйнаётганлардан бири пот ҳолатига тушиб қолган тақдирда иккинчиси унга юриш имкониятини бериши керак. Пот бўлган киши бундай вазиятларда аньанага кўра рақибининг хоҳлаган бир сипоҳини олиб қўяди», деб ёзади. Шоҳмот анча тараққий қилган мамлакатлар — Италия, Франция тахминан XVI аср ўрталарида бошлаб пот дурангга тенг баҳоланган.





Шу ўринда, «пот» сўзи тўғрисида сўз юритсак. Айтиш керакки, турли манбаларда бу сўзнинг келиб чиқиши ҳақида турлича маълумотлар учрайди. Катта қомуслар ва чет эл сўзлари луғатида «пот» сўзи француз тилидан келиб чиққанлиги айтилса, шоҳмот луғатида бу сўз итальянча «paffo» сўзидан олинганлиги, шартланиш, битимга келишиш деган маъноларни англатиши ҳақида маълумот берилади. Австриялик таниқли шоҳмот устаси Иоганн Бергер ҳам «пот» итальянча сўздан ҳосил бўлганлигини тасдиқлайди. Хуллас, пот қай тарзда изоҳланишидан қатъи назар, асрлар унинг шаклланишига ҳеч қандай ўзгариш киритолмади.

Энди ҳурматли шоҳмот мухлислари, 1925 йилда Папе ҳамда Рот ўртасида ўйналган партияда юзага келган қуйидаги вазиятларга назар солинг: 1-диаграммада қораларда бир сипоҳ (қора фил) ортиқча, пиёдалар эса тенг: оқларда ҳам, қораларда ҳам учтадан. Аммо кутилмаганда оқлар олдиндан пухта ўйланган режа — потни амалга оширишга киришади. Хўш, бунга қандай эришилади? Маҳоратингизни синаб кўринг. Агар тўғри юришлар қила олсангиз, 2-диаграммадаги ҳолат, яъни пот хавфи келиб чиқади.

Анвар ИНОҚОВ,
шоҳмот бўйича спорт усталигига номзод.

Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуида республика Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси кўчма кубоги учун мини футбол мусобақаларининг финал босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир

ОММАВИЙЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Баҳслар аввалига вилоятлар, сўнгра ҳудудий миқёсларда ўтказилди. Тошкент шаҳри ҳамда Наманган, Самарқанд, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларида ташкиллаштирилган ҳудудий босқич беллашувларида 27 та жамоа иштирок этди. Мазкур мусобақаларда зафар қучган «Ўздунробита» қўшма корхонаси, «Коском» қўшма корхонасининг Самарқанд вилояти филиали, «Фарғонателеком», «Қашқадарётелеком» ва «Қорақалпоқтелеком» жамоалари, шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари университети, Давлат фильдегерлик хизмати, Тошкент шаҳар телефон тармоғи вакиллари финал босқичида учрашдилар.

— Мусобақа кутганимиздан-да муваффақиятли ўтди, — дейди тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Тоҳир Назаржонов. — Айниқса, А.Турсунов, Р.Маматқулов, А.Юнусов, М.Рахимов, Ф.Абдуллаев, А.Юдин сингари ҳаваскорларимиз ўйинлари барчага қувонч бахш этди.

Қизғин баҳслар Тошкент шаҳар телефон тармоғи футболчилари ғалабаси билан ниҳоясига етди. Пойтахтликлар финал ўйинида қашқадарёлик ҳамкасбларини мағлуб этдилар. Тошкент ахборот технологиялари университетити ҳамда «Ўздунробита» қўшма корхонаси жамоалари ўртасида учинчи ўрин учун кечган қизиқарли баҳсда эса университет вакилларининг қўли баланд келди. Ғолиб ва совриндор жамоаларга кўчма кубок ва эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши ярим ҳимоячи», «Энг яхши ҳужумчи», «Энг яхши тўпурар», «Энг ёши катта иштирокчи», «Энг яхши мураббий» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, махсус совринлар билан тақдирланишди.

О.КАМОЛОВ.

«ЁЗУВЧИ»НИНГ ЎҒЛИ

Қилмиш-қидирмиш

Фалакнинг кажрафторлигига қарангки, қурбақа кўлда тиним билмай сайрайвериб чумолини доғда қолдирмоқчи бўлган экан. Чумоли ҳам анойи эмасми, «Сайра булбулигўё, сайра. Давр-у даврининг келибди, тасаддуғим сайра» деб киноя бирла уни қутлаб ёз юмуши билан кетаверибди. Тааччубки, Узун тумани Бўри Очилдиев номли ширкатлар уюшмаси «Жончекка» участкасида яшовчи Ҳамза Кокилов ҳам ўзини кўрсатиб қўйгиси келди.

Спиртли ичимлик ичволиб отасига қарашли «Москвич-412», давлат белгиси 19 Е 31-25 рақамли енгил машинада кирақашлик қилиб юрган пайтда Сурхондарё вилояти йўл патрул хизмати ходимлари, У.Номозов, милиция капитани С. Саъдуллаев, А.Ибрагимов, Б.Шарипов ҳамда А.Астонақуловлар рейд ўтказаётган пайтда қармоққа илиниб қолгач, бирдан жазавага тушди.

Қизишиб олган Ҳамза Кокилов қармоқдан сирғалиб кетиш учун ҳийла-найранглар ишлата бошлади.

— Мен Денов тумани жиноят ишлари судида ижрочи бўлиб ишлайман. Ҳали кўрадиганларингни кўрасанлар... Отам, «Мана ман» деган ёзувчи. Устиларингдан керакли жойга ёзамиз, - дея пўписа қилди.

У жазодан қутилиб қолиш мақсадида важ-карсонларни қаторлаштириб ташлади. Милиция йўл патрул хизмати ходимлари ҳуқуқбузарни тартибга келтириш баённомалари тузиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳукмига ҳавола қилганларидан кейингина Ҳ.Қокилов ошириб юборганини тушуниб етди.

Тартиббузар Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Қонунининг 131-моддасига асосан спиртли ичимлик истеъмол қилиб машина бошқаргани учун тешшли жазосини оладиган бўлди.

Тўлқин ЖАЛИЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 21.45

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 819. 1 2 3 4 5 6